

ЁШЛАРНИ ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИДАН АСРАШ ДАВР ТАЛАБИ

Умарбек Ражабов,

Урганч давлат университети ўқитувчиси.

Аннотация: *Мазкур мақолада ёшларни одам савдоси жиноятига жалб қилиниши билан боғлиқ муаммолар ва унга барҳам беришнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган.*

Аннотация: *В данном статье анализируется проблемы по привлечению молодежи к преступлению связанных с незаконным трафиком людей и некоторые аспекты по его пресечению.*

Annotation: *This article analyzes issues related to the involvement of youth in human trafficking crimes and examines certain aspects of preventing this phenomenon.*

Калит сўзлар: *глобал муаммолар, трансмиллий жиноятлар, ноқонуний одам савдоси, уюшган жиноий гуруҳ вакиллари.*

Ключевые слова: *глобальные проблемы, транснациональные преступлений, незаконный трафик людей, представители организованных преступных групп.*

Keywords: *global issues, transnational crimes, illegal human trafficking, representatives of organized criminal groups.*

Сайёрамизда бир қатор **глобал муаммолар** борки, булар сирасига бевосита **ноқонуний одам савдоси** сингари **трансмиллий жиноятларни** ҳам киритиш мумкин. Таҳлил натижалари мазкур жиноят қурбонлари асосан ёшлар ҳисобига ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Ноқонуний одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар асосан ёш даражасига кўра 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, ишсиз ёш қизларни ва ижтимоий

ёрдамга мухтож аёлларни алдаш ва моддий бойликка эришишга қизиқтириш орқали уларни ушбу жиноий фаолиятга жалб қилиб келишмоқда.

Ўз навбатида, ахборот-коммуникация соҳасида эришилган ижобий ўзгаришлардан одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларнинг ҳам кенг фойдаланаётганликлари мазкур трансмиллий жиноятнинг тобора фаоллашишини таъминлайди.

Жумладан, **уюшган жиноий гуруҳ вакиллари** томонидан интернет сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали юқори даромадли иш борлиги ҳақидаги таклифларнинг тарқатилаётганлиги одам савдоси жиноятининг қамровини кенгайтиришга имконият яратмоқда.

Мавжуд расмий маълумотларга кўра, ҳар йили Ўзбекистонда 300 нафардан ортиқ ёш аёллар ва қизлар хорижий мамлакатларда турли алдов ва фирибгарликлар ортидан жинсий эксплуатация қурбонига айланмоқда.

Ўз навбатида, чет давлатлардаги фоҳишахоналардаги сутенёрлар ва одам савдоси билан шуғулланувчи аёлларнинг ижтимоий тармоқлардаги видеолавҳалари (*хорижий давлатларда қимматбаҳо уйлар ва машиналарда, турли кўнгилочар тадбирларда олинган лавҳалар*) ўсиб келаётган ёш қизларни маънавий дунёқараши, маданияти ва ахлоқ-одобини салбий томонга ўзгаришига, уларда осон пул топиш истагини ошиб боришига олиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши болалар ва ёшларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланиши учун қулай ва энг яхши шароитларни яратиш, шунингдек кўп болали оилаларни, етим болаларни ва оила муҳитидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳисобланади¹.

¹ Бола ҳуқуқлари мониторинги. Ўқув-услугий қўлланма /Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. - Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2011 йил., 4-бет.

Бу соҳада давлатимиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат натижасида 2019 йил 22 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-4296-сон қарори қабул қилинди².

Ўз навбатида, бола ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси томонидан болалар савдоси ва бола порнографиясига қарши кураш масалаларини белгилаб берувчи Факултатив протокол ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификатсия қилиниб, айрим муҳим миллий ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган³.

Шунга қарамасдан, мавжуд оператив маълумотларнинг таҳлили, бола ҳуқуқларини поймол қилиш билан боғлиқ ҳолатларни қайд этилаётганлигини кўрсатади.

Ўз навбатида, ноқонуний одам савдоси жиноятининг қурбонига айланиб яшаш манзилига қайтиб келаётган фуқаролар вилоятда ўткир юқумли ва венерологик касалликларга чалинган шахсларнинг сонини ортиб боришига сабаб бўлишмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ёшларни ноқонуний одам савдоси қурбонларига айланиб қолишларига йўл қўймаслик мақсадида ҳокимият идоралари билан ҳамкорликда ишсиз қолган ёш қизлар ва аёлларни бандлигини таъминлашга эътиборни янада кучайтириш заруратини юзага келтиради.

Шунингдек, ёшларга оид Давлат сиёсатини рўёбга чиқариш жараёнида юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилинишини таъминлаш ва тегишли тадбирларни белгилаб олиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси (*ҳудудларда вилоят ҳокимликлари*),

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги **“Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-4296-сон қарори.

³Интернет материаллари, www.ссинтифиспрогресс.уз “ССИЕНТИФИС ПРОГРЕСС” Ссинтифис Жоурнал, Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари.
www.pedagoqlar.uz **39-сон 1-to'plam Yanvar 2025**

хуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ва бошқа вазирликлар масъулларидан иборат Кенгаш тузиш ва унинг йиғилишларида мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилинганлиги юзасидан ҳисоботларини тингловини амалга оширилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.